

СПИРТЛИ ХУШБЎЙ НАРСАЛАР ҲАҚИДА

20:18 / 27.04.2016 3342

САВОЛ: Ассалому алайкум, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, сизга кичик бир саволимиз бор. Бозорларда сотилаётган спирт аралашган ҳар турдаги хушбўйлантирувчи атирларни намоз ўқиётганда сепиш мумкинми? Қуръон оятлари ва ҳадис билан исботлаб беринг, илтимос.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аввало билиб қўйингки, шариатнинг манбалари фақат Қуръон ва ҳадисдан иборат эмас. Балки ижмоъ ва қиёс ҳам бор. Шунингдек, масолиҳи мурсала, урф, шаръу ман қаблана шаръун лана бошқа манбалар ҳам бор. Ҳар бир нарсани Қуръон ва Ҳадис билан исботлаб беришни сўраш Қуръон ва Ҳадис асосида қабул қилинган манбаларни инкор қилиш бўлади. Иккинчидан, фатво сўровчи киши далил келтиришни талаб қилиши ҳам одоб доирасидан ташқари ҳисобланади.

Мен сизнинг саволингизга барча уламолар иттифоқ қилган гапни келтириш билан жавоб бераман: ^

Сиз спирт деб атаган нарса алкоголь моддалар жумласига киради. «Алкогол» сўзи ажнабий тилдан кириб қолган, лекин ажнабийлар ҳам алкогольни «ал-куҳл»дан олишганлиги маълум ва машҳур. Ана шу алкоголь нарсалар шариат нуқтаи-назаридан нажас ҳисобланмайди. Бу нарса «ҳамма нарсанинг асли покдир» қоидаси асосида бўлинган. Хусусан, ўша алкоголь нарсалар холис ўзи бўлса ҳам, бошқа нарса аралаштирилмаган бўлса ҳам, ёки сувга аралаштирилган бўлса ҳам барибир. Шу билан бирга «хамр», яъни ароқ ва ичимлик ичиб маст бўлиш учун тайёрлаб қўйилган нарсалар нажосат ҳисобланади маънавий жиҳатдан. Шунга биноан, шариат нуқтаи-назаридан алкоголь - яъни спиртли нарсалар тиббий ҳожат учун ишлатиладиган қилиб тайёрланган бўлса, уларни терини, яраларни, тиббий асбоб-ускуналарни тозалаш учун, микробларни ўлдириш учун ишлатиш мумкин. Шунингдек, тиббий маънода ва тиббий ниётда тайёрлаб қўйилган спиртларни ҳиди яхши бўладиган атирлар учун ишлатилса бўлади, чунки бундаги баъзи бир моддалар фақат ана ўша спирт билангина эриши мумкин. Шунингдек, баъзи бир кремларга ҳам мана шу нарса ишлатилади, бу ҳалиги ичадиган, маст бўлиш учун тайёрлаб қўйилган хамр - ароқ ҳукмига кирмайди. Аммо, алкоголь нарса маст қилувчи модда бўлганлиги учун уни ичмоқ, тановул қилмоқ мутлақо ҳаромдир. Валлоҳу аълам.